

---

## ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ, мамлакатимизда ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой тажрибаси билан бугунги туб ислохотларда фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган кўпгина опа-сингилларимиз орден ва медаллар билан мукофотланди.

Эътиборлиси, улар сафида Бағдод туманидаги "Гулнора Матқулобод бодомлари" ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари Усмонова Гулнора Хошимжонова ҳам бор.

Бағдод тумани ҳокимлиги меҳнат жамоаси ушбу юксак эътироф билан туманнинг барча фаоллари номидан қутлаб, Г.Усмоновага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик ва кўнгил хотиржамлигини тилайди.

Қўшалоқ байрам муборак бўлсин!

2023-03-07 18:43:16